ШАРҚ ФАЛСАФАСИДА ТОЛЕРАНТЛИК МАСАЛАСИ

Раимберди Кудратуллоевич Хайтметов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Шарқ мутафаккирларининг толерантлик ва унинг акси бўлмиш догматизм борасидаги айрим қарашлари қисқача кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: толерантлик, догма, дин, эгоизм, миф, фалсафа, фан, ахлоқ, кибр, руҳ, комиллик, тасаввуф, атеизм.

THE ISSUE OF TOLERANCE IN EASTERN PHILOSOPHY

Raimberdi Kudratulloevich Khaytmetov
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article briefly discusses some of the views of Eastern thinkers on tolerance and dogmatism.

Keywords: tolerance, dogma, religion, egoism, myth, philosophy, science, ethics, arrogance, spirit, perfection, mysticism, atheism.

Ман чи гўям васфи он олийжаноб,
Нест пайғамбар,вале дорад китоб.[1]
Абдураҳмон Жомий

КИРИШ

Ҳозирги биз яшаб турган 21 асрга қадар инсоният жуда кўп йўлларни босиб ўтди. У ўз танлаган йўлини фароғатга олиб борувчи йўл деб ўзини ҳамда бошқаларни ишонтиришга ҳаракат қилиб келди. Хусусан фанда бу йўлни давр парадигмаси деб аташ мумкиндир. Масалан: Антик даврда юнон файласуфлари мифдан логосга ўтиш фароғатга олиб бориши мумкин деб ўйлашган бўлса, ўрта асрларда фақатгина диний эътиқодгина фароғатга элтиши мумкин деган қарорга келишди ва ниҳоят янги даврга келиб эса фанга эргашсак ҳаммаси яхши бўлади деган фикрда ўз ривожланиш йўлини давом эттирди. Шу ўринда табиий савол тўғилади хўш биз қанчалик ўзимиз орзу қилган фаровонлик ва ёки фароғатга эриша олдик? Агар эришган бўлсак демак охирги танлаган йўлимиз тўғри

[1] Мазмуни: Мен ул олийжаноб зот васфида нима ҳам дердим, китоби бору лекин Пайғамбар эмас

эканда? Яъни фанга эргашиб биз хато қилмаган эканмизда? Ёки биз ҳалиям жараёндамизми? Шундай бўлса бу йўл қачон тугайди ва қачон у (инсоният) ростанам фароғатга эришиши мумкин?

Юқоридаги ва шу каби муаммоли саволларга жавоб ва ечим топишида санаб ўтилган соҳаларнинг (миф, дин, фан) барчаси бирдек даъвогардир. Ва ёки бошқача қилиб айтганда қайси бир дунёқараш шакли устун бўлса ушбу дунёқараш инсоният устидан ҳукмролик қилиши мумкиндир. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки инсоният ўз ривожланиш тарихида қанча муаммога дуч келган бўлса унинг барча уша давр одамларига толерантликнинг етишмаганидандир. Сабаби “Инсон қандай фикрлаши унинг ҳаёт тарзини белгилаб беради. Бошқача қилиб айтганда биз инсонлар ўз фикрларимизни ҳимоя қилиш учун ҳамма нарсага, ҳаттоки, энг оғир жиноят бўлмиш ўзгача фикрловчи одамларни ўлдиришга ҳам қодирмиз. Ва ёки файласуфлар тили билан айтганда “***Отишма-бу фикрни масофадан туриб ўзатишдир***.” Бировга ўқ отиш эса фақат бир мақсадда амалга оширилади...” [1]

Ҳозирзамон ёш авлодни тарбиялашда асосий урғу берадиган томони бу толерантликдир. Толерантлик муаммоси фақатгина бугунги муаммо эмас. Мутаасиблик муаммоси инсоният бошига жуда катта кулфатлар солганлиги ҳам тарихдан бизга маълум. Қолаверса бугунги кунда ҳам диний, ирқий, миллий ва минтақавий урушлар жуда кўп салбий оқибатларга олиб келмоқда. Хусусан очарчилик, саводсизлик, қашшоқлик балоларининг энг катта сабачиси деб ҳам айнан уруш кўрсатилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мавлоно Румий эса юқоридаги иллатларни ўз асарларида жуда кўп маротаба танқид қилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан у “Маснавийи маънавий” асаридаги ривоятларнинг бирида қўйидагича ҳикоя қилади.

Бу ривоят савдогар ва унинг тўтиқуши ҳақида бўлиб кунларнинг бирида савдогар Ҳиндистонга сафарга кетаётиб ҳамма оила аъзоларидан қандай совға олиб келиши ҳақида бирма-бир сўраб чиқади. Охирги бўлиб у ўзининг тўтиқушидан сурайди. Шунда тўти унга ҳеч нарса керак эмаслиги фақатгина Ҳиндистон тўтиларига у ҳақида яъни, унинг қафасда (қамоқда) яшаётганлиги ҳақидаги хабарни етқазишнинг ўзи етарли деб жавоб беради. Савдогар эса Ҳиндистонга бориб тўтиқушининг илтимосини бажо келтиради. Ушбу хабарни эшитгач тўтиларнинг сардори ерга қулаб тушади ва ўзини ўлганга солади. Ҳайрон бўлган савдогар уйга қайтгач ўз тўтисига бўлиб ўтган воқеани айтиб беради. Бу хабардан кейин савдогар тўтиси ҳам ўзини ўлганга солади. Бундан

хафа булган савдогар тўтини кўчага олиб чиқиб ўлигини кўммоқчи бўлганда, тўтиқуш учиб кетади ва дарахт шохига қўнади. Шунда савдогар тўтиқушдан сурайди ўрмон тўтиқушлари сенга қандай рамзий хабар жўнатган эди? Тўтиқуш эса қўйидагича жавоб беради; улар менга сен қанчалик диққат марказида бўлсанг шунча хатар остида бўласан деб айтган эди деб жавоб беради. [2] Бу албатта рамзий ривоятдир. Бунда Ҳиндистон ўрмонларида яшайдиган дарвешлар ва ёки саманлар ҳақида гап боради. Румийнинг айтишича руҳни озодликка чиқиши ўлим[2] билан боғлиқ бўлиб, уни энг олий даражасини айнан Брахманлардан ўрганиш лозим. Руҳий комилликни ҳинд саманларида кўриш унинг даври учун жуда хавфли бўлган қараш эди. Сабаби будпарастликда айблаб жуда жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкин эди. Румий мана шу масала яъни толерантликка жуда кўп эътибор қаратган бўлиб, бунинг асосий сабаби у яшаган тарихий давр ва ёки муҳит билан боғлиқдир. Чунки ҳар бир инсон микросоциум (кичик жамият)дир. Яъни жамиятнинг бир бўлаги сифатида инсон ўзи яшайдиган жамиятнинг фазилат ва иллатларини ўзида акс эттиради. Румий яшаган даврдаги догматик қарашлар натижасида вужудга келган диний ва сиёсий ихтилофлар унинг дунёқарашига ўз таъсирини ўтқазмай қолмаган албатта. Ва ёки ўстоз Н.Комилов сўзлари билан айтганда, “Румий минг йиллар давомида тўпланиб келган Шарқ фалсафаси ва хикмати, исломий хакикдтларни омухта эта олган, тасаввуф ва фалсафани кўшиб, инсон руҳи диалектикасини очган улуғ мутафаккирдир. Унинг қарашларида бирон-бир мутаассиблик, кўр-кўрона ақидапарастлик намунасини кўрмайсиз. У тийрак ва ҳушёр кўз билан дунёга назар солади, инсонни қандай бўлса, шундай олиб ўрганади, инсон қалби тўридаги энг нозик, энг инжа энг яширин сирларни ошкор этади, руҳимиз иқлимларидаги ўзимиз сезмаган қонуниятлар, заруриятларни кўрсатиб беради” [3].

Унинг толерант дунёқараш эгаси бўлиб камолга етишида унга тарбия берган зотларнинг ўрни жуда каттадир. Хусусан унга ёшлигида отаси томонидан айтилган қўйдаги ривоят бунга яққол мисол бўла олади.

...Боришарди турк, араб, форсу юнон,
Шунда бир кимса-анису меҳрибон.

Хайр, деб бир танга савғо айлади,
Йўққи савғо, балки ғавғо айлади.

[2] Муаллиф бу ерда аскет (таркидунёчи)ларни назарда тутмоқда. Яъни брахманларда ва сўфизмда дунёвий нафслардан тўла воз кечиш “ўлмасдан бурун ўлиш” каби ҳолатлар учраб туради.

Форс деди: "Бозор тушайлик шул замон,
Ақчага ангур[3] олайлик, дўсти жон!"

"Қўй бу гапни, - деб уни кесди араб,
Эйнаб олсак ақчага, бўлгай ажаб!"

Турк деди: "Беҳуда бу гаплар бари,
Мевалар ичра узумдир сарвари!"

Шунда юнон ҳам арога солди сўз:
"Эй, харид этмоққа стафиль дуруст"

Бас, улар битта қарорга келдилар,
Лек, тушунмай, баҳсу ғавғо қилдилар.

Барчада хоҳиш узум эрди фақат,
Барчаси бирдек, узум, дерди фақат.

Лек арога шум жаҳолат тушди, бас,
Тиш, қовурға лат еди, топди шикаст.

Ғофилу ғафлат сўзидин можаро,
Бизники – бирлик била сулҳу салоҳ... [4].

Юқорида келтирилган ривоят ҳозирам ўз аҳамиятин юқотгани йўқ. Инсоният мана Румий яшаган даврдан буён яна қариб 800 йил ўтди ҳамки мутаасиблигича қолиб келмоқда. Буни замонамизда кунига бир неча марта отилаётган турли қуроллар ва унинг натижасида ҳалок бўлаётган минглаб инсонлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Догматизм ва ёки мутаасибликка олиб келувчи асосий омиллар бу тор дунёқараш, таълим ва тарбиядаги бирёқламалик ҳамда худбинликдир. Юқоридаги иллатларга қарши Румий ўз асарларидаги ривоятлари орқали курашиб келган. Хусусан унинг маснавийсида қўйдаги арслон ва қуён ҳақидаги ривоятни учратиш мумкин..... Унга кўра кунларнинг бирида арслон ўрмон ҳайвонларига катта талофат етқазади. Яъни ўзи хоҳлаган пайтда хоҳлаган

[3] - узум маъносини англатади

ҳайвонни овлай бошлайди. Шунда ҳайвонлар битта жойга йиғилиб бунга ортиқ чидаб бўлмаслигига, буни бир чорасини топишга ҳаракат қилишади. Ва улар қўйдаги фикрда тухташади. Демак ҳамма ўрмон ҳайвонларни руйхатга олиб навбат билан кунига бир ҳайвон ўз ихтиёри билан арслоннинг олдига бориб, унга емак бўлиши лозим бўлади. Арслон эса бунинг эвазига ўрмонда тартибсиз ов қилишни тухтатади. Навбат қуёнга келганда у атайин арслон ёнига кечикиб боради. Арслон эса оч қолиб асабий бир ҳолатда уни кутиб олади. Ва қуённинг кеч қолиши сабабини сурайди. Шунда қуён йўлда бошқа бир арслонга учрагани ва у уни еймоқчи бўлганини сабаб қилиб кўрсатади. Арслонни бу хабар ғурурига тегади ва ундан сурайди ким экан у мени ҳудудимда мени ўлжамга кўз олайтирадиган деб савол беради. Шунда қуён хоҳласанг сени олдига олиб боришим мумкин деб жавоб беради. Арслон рози бўлгач иккаласи йўлга тушишади. Қуён арслонни қудуқ олдига олиб бориб қудуқ ичини кўрсатади арслон эса шиддат билан қудуқ ичига қараса ростанам бошқа бир арслон унга жаҳл билан боқиб турибди. Бир ҳамлада уни яксон қилиш учун бор кучи билан қудуқ ичига сакрайди ва ҳалок бўлади.

Юқорида келтирилган достон худбинлик (эгоизм) ҳақида бўлиб, фақат ўзини кўра олиш мана шундай ҳалокатга (руҳий ҳалокат назарда тутилмоқда) олиб келиши мумкинлигини Румий жуда содда ривоятлар ёрдамида акс этириб бера олгандир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тасаввуфий толерантликни биз йирик суфий ва файласуф Ибн ал-Арабийсиз тасаввур қилиш жуда мушкулдир. Бу файласуф қарашлари ҳам худди Румй қарашларига ухшашдир, бағрикенглик борасида. Буни Ғарблик шарқшунос олимлар ҳам алоҳида таъкидлаб келмоқдалар. Масалан Олмониялик машҳур исломшунос олима Аннемарие Брегитта Шиммел Ибн ал-Арабийни динлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тарафдорларидан бири сифатида доимо таҳсинга сазовор бўлиб келган, деб баҳолайди ва бунинг далили сифатида муаллиф Ибн ал-Арабийнинг ўз байтларининг бирида келтирилган қўйидаги фикрини келтириб ўтади. «Менинг қалбим турли шаклларга қодирдир: роҳибнинг савмааси, бутпарастнинг бутхонаси, зоҳидларнинг Каъбаси, Таврот ва Қуръон саҳифасидир. Ишқ менинг иймон ва эътиқодимдир: унинг туялари қаерга юзланмасин, менинг эътиқод ва иймоним яна ўша ишқ бўлиб қолаверади” [5].

Толерантлик масаласи Шарқ мутафаккирларнинг жуда кўпчилигига хос бўлиб, бунга сабаб уларнинг ўз замонлари мутаасиблардан жуда кўп озор

чекканларидадир десак хато бўлмайди бизнингча. Масалан буюк мутафаккир Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” асарида ҳам толерантлик масаласига жуда кўп ўрғу берилган.

“Толерантликнинг тимсоли бу бағрикенглик саналади. Жомийнинг “Баҳористон” асарларидаги *1 – равза* “Дарвишлар ҳақида ҳикоят” бобида, юракларни кибру – ҳаво, разолат ва нафратлар тозалашлик масаласи баёнига кўзимиз тушади:

Ҳошим Суфий дебди:

– Юракдан кибр разолатин ювишдан кўра, тоғни игна учи билан қўпориш осон.

Кибрсизлик лофин урма, уни кўрмоқдан кўра
Қоронғи тун чумолининг изин кўрмак осонроқ.
Кибр гардин аритмоқдан осон эрур шубҳасиз,
Игна билан тоғни қазиб остин – устун қўпормоқ.

[عبد الرحمن جامي : -غافور غولام – ثتاشكند سانى 1971 297- سحيفة]

Демакки, ***Кибрсизлик лофин урма, уни кўрмоқдан кўра,*** инсонларга хос бўлган кибрларга берилиб, мақтанчоқликни қораламоқда. ***Қоронғи тун чумолининг изин кўрмак осонроқ*** – нурсиз қоронғулик (зулмат)да йуриб, ***чумолининг изин кўрмак осонроқ,*** деб баҳоланмоқда. Маълумки, чумоли изини кундуз кунда ҳам пайқашлик душвор албатта. Шунинг учун кибрга берилиб, мақтанчоғлик қилгандан кўра, қоронғу – зулматда чумоли изи (поклик ва софлик маърифатини шакиллантириш йўли)ни топишлик осондир. Чумолилар машаққат билан меҳнат қилиб, ўзининг ризқини йиғиши, ҳалол ва пок кун кечиришлари англанади.

Ҳой – ҳавасга берилиб, кибр билан яшагандан (бошқаларни минсимай, ғуддайиб яшагандан) кўра, ҳалол ва пок ризқ илинжида маърифат истаб, маънавий саводхонликка ўз ҳиссасини қўшиб яшагани маъқул.

Кейинги мисрада ***Кибр гардин аритмоқдан осон эрур шубҳасиз,*** яъни, кибр жойлашган юракларни тозалашдан кўра, ***Игна билан тоғни қазиб остин – устун қўпормоқ,*** осон деб баҳоланмоқда. Бу эса ўз – ўзидан маълумки, ахлоқий иллатларнинг нақадар тубанликка қараб шунғишларга мойиллигини кўрсатади” [6].

Ва ёки “Дин ва санъатнинг миллат танламаслиги бу инсоният тарихидаги “Толерантлик” - таҳаммулнинг амалий ифодаси демакдир. Бундай таҳаммул эса сабр ва бардош, итоат ва эҳтиром, ботиний лаззат орқали баҳолангай. Бу эса миллатлар ва минтақалар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни, бағрикенглик ва дўстлик руҳини кучайтиради” [7.].

Толерантлик масаласини яна биз ҳадис илмида ҳам кўришимиз мумкиндир[8.]. Ва ёки Ҳинд фалсафасида ҳам толерантлик масаласи алоҳида ўринга эга, буни машҳур ҳинд файласуфи Радхакришнанни қўйдаги фикрлари орқали асослашимиз мумкиндир. “Радхакришнан фалсафий системасининг марказида “универсал дин” қоидаси ётар эди. Файласуфнинг қайд этишича, инсоният жамияти ҳам худди инсоний мавжудотларга ўхшаб, эътиқод билан яшайди ва у ўлса, у ҳам барҳам топади. Шундай савол тўғилади: ҳозирги замон динларидан қайси бири “инсоннинг енгиб бўлмас эҳтиёжини” қондиришга даъво қилиши мумкин? Радхакришнан фикрича, уларнинг барчаси таассуб ва ўзгармас ақидалар билан суғорилган бўлиб, хурофотни тарғиб қилади ва душманлик тўсиқлари билан бир-биридан ажралгандирлар. Бундай шароитда худосизлик (атеизм) ақидасининг ўсиши табиийдир” [9.].

ХУЛОСА

Ҳозирги кунга келиб ҳар бир соҳада толерантлик масаласи ўрта асрлар мутаасиблик давридагидек бир хилда муҳимдир. Сабаби ҳали-ҳануз инсоният бугунгача мавжуд соҳаларнинг биронтасида ўзи хоҳлаган даражада толерантликка эриша олганлиги йўқ. Қолаверса интолерант инсон глобаллашган ҳозирги даврда бахтли яшаши жуда қийиндир. Чунки бундай дунёқарашга эга бўлган инсонлар психология фанлари номзоди М.Арипова тили билан айтганда “Толерант бўлмаган инсонга нафақат жамият орасида балки ўз-ўзи билан келишиб яшаши ҳам қийин кечади. У атрофдаги ва қолаверса ўз-ўзидан ҳам доим хавфсираб яшайди... Чункибундай инсон толерант инсондан фарқли, ўзида мавжуд етишмовчиликлар ва ёки камчиликларга фақатгина ташқаридан сабаб қидириб яшайди...”[10].

Хулоса сифатида яна шуни айтиш мумкинки юқорида биз кўриб чиққан Шарқ мутафаккирлари асарлари, токи инсоният мавжудот сифатида мавжуд бўлар экан ўз мавқеини юқотмайди. Шунингдек бугунги кун инсоният тафаккурини юксалтиришда ҳам Шарқ ва ҳам Ғарбга бирдек ўз таъсирини ўтқаза олади. Унинг ўзига хослиги ҳам айнан мана шундадир. Хусусан Мавлоно Румий қарашларининг бутун инсониятга макон ва замондан, эътиқодидан, ирқидан, миллатидан, жинсидан ва ҳоказолардан қатъий назар бир хил таъсир қила олишидадир.

REFERENCES

1. Хайтметов, Р. (2020). Догматизм ва унинг оқибатлари.

2. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Форсийдан Жамол Камол таржимаси.Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010. Б-54-56.
3. Н.Комилов. «Тафаккур хазинаси». «Ичингдаги ичингдадир»га сўзбоши. Т., 1997. Б.-6.
4. Фиш Радий Геннадиевич. Жалолиддин Румий. Русчадан Жамол Камол таржимаси.Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. Б.-137-138.
5. Аннемарие Шиммел. Абъоди ирфонийи ислом(Mustical Dimensions of Islam). Таржума ва тавзеҳоти Абдурраҳим Гувоҳий. –Теҳрон: Дафтари нашри фарҳанги исломий, 1375, -С. 443.
6. Madalimov, T., Akhatov, L., Xaytmetov, R., & Ibrohimov, F. (2020). A Symbol of Tolerance and Friendship in Jamiy's Work "Bahoriston". International Journal of Current Science Research and Review, 1(1), 29-32.
7. Akhatov, L., Madalimov, T., & Xaytmetov, R. (2020). The Spiritual Connection of Sufism and Tolerance in the Works of Jami. International Journal of Multidisciplinary Research and Publications, 1(2), 1-4.
8. Is’haqov Mirsodiq, Alimova Rahima, Karimov Nodir, Sulaymonov Jasur, Madalimov Timur. Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) Volume-9 Issue-1, November, 2019.
9. Muhammadjon Qodirov, Po’latov Sherdor, Madalimov Timur, Mullajonov Islom,Valiyev Lochin. Some Characteristics of Modern Indian Philosophy. International Journal of Multidisciplinary Research and Publications. Volume 2, Issue 11, pp. 47-49, 2020.
10. Арипова М.Л. Современный мир и проблема толерантности. Проблемы педагогики. № 1 (33), 2018. С.13-15
11. Хайтметов, Р. (2020). Мавлоно Румийнинг “Маснавийи Маънавий” асарида амалий ахлоқ масаласи. Тамаддун нури, 1, 76-79.
12. Axatov, L., Xaytmetov, R., & Madalimov, T. (2020). Tasavvufda tahammul va irtibot (Abdurahmon Jomiy asarlari misolida). Falsafa va hayot, 2(9), 71-87